

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТ

ҲАМИДОВ ИЛҲОМЖОН СОДИҚЖОНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА СУРУНҚАЛИ КАТАРАЛ ГИНГИВИТНИ
ТАШХИСИ, ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ҳамидов Илҳомжон Содикжонович

Болаларда сурункали катарал гингивитни ташҳиси, профилактикаси ва даволашни такомиллаштириш.....3

Ҳамидов Илҳомжон Содикжонович

Совершенствование диагностики, профилактики и лечения хронического катарального гингивита у детей.....19

Hamidov Ithomjon Sodikjonovich

Improving the diagnosis, prevention and treatment of chronic catarrhal gingivitis in children.....33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....36

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТ

ҲАМИДОВ ИЛҲОМЖОН СОДИҚЖОНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ КАТАРАЛ ГИНГИВИТНИ
ТАШХИСИ, ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1254 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsdі.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мирсалихова Феруза Лукмоновна,**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Беленова Ирина Александровна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

Камилов Хайдар Пазирович.
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: **Ташкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй, Тел./факс: (99871) 2302065; факс: (99871) 2304799; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103 уй. Тел.: (99871) 2302065.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Қ.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.А. Амануллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда олимлар томонидан ўрганилаётган муаммо борасида олиб борилаётган илмий изланишларга қарамасдан, пародонт касалликларининг этиологияси ва патогенези тўлиқ аниқланмасдан қолмоқда. Ҳозирги кунда аҳолининг 20 дан 60% гача пародонт касалликларининг тарқалиши сезиларли даражада ошиши стоматолог олимларнинг жиддий эътибор қаратишларини талаб қилади, чунки «...сўнгги 15 йилда дунё олимлари томонидан гингивитларнинг этиопатогенези, тарқалганлиги, кечишининг интенсивлигини ўрганиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилган ва мазкур касалликни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг турли усуллари таклиф қилинган»¹. Кўплаб тадқиқотчиларнинг натижалари оғиз бўшлиғи ва бутун организм саломатлигига пародонт юмшоқ тўқималарида сурункали инфекция-яллиғланиш жараёнлари ва параллел равишда катарал гингивитнинг оғир ҳамда қайтарилиши қийин бўлган – тарқоқ пародонтитга ўтишига олиб келувчи хавф омилларининг ўсиб боришининг ўта салбий таъсиридан гувоҳлик беради. Шу сабабли, пародонт тўқимаси касалликларини ташхислаш, олдини олиш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш лозимлиги шифокорлар ва олимлар орасида қизиқиш уйғотиб, тиббиёт амалиётининг муҳим муаммоли масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида болалар орасида сурункали катарал гингивитни олдини олиш, диагностика ва реабилитация усулларини такомиллаштириш бўйича янги тамойилларни клиник ва морфогенетик асослаш орқали бир қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада катарал гингивитга таъсир қилувчи эндоген ва экзоген сабабларнинг келиб чиқишига таъсир қилувчи патогенетик механизмларни ўзига хослигини кўриб чиқиш; сурункали катарал тарқоқ гингивитни унинг клиник кўринишларида ўзига хосликларини эътиборга олган ҳолда даволаш, профилактика ва реабилитация қилишнинг оптимал схемасини ишлаб чиқиш; касалликни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг механизмини яратиш, касалликнинг асоратларини камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Болалик ёшида гингивитларнинг самарали даволаниши пародонт юмшоқ тўқималарининг соғломлашиши ва кейинчалик, катта ёшда, пародонтда яллиғланиш-деструктив жараён ривожланишининг олдини олиш учун кечиктириб бўлмайдиган оғоҳлантирувчи чора ҳисобланади, бу ўз навбатида замонавий тиббиёт фани ва амалиётининг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

¹ Габдрахманова М.Г., Цинеккер Д.А. Профилактика и лечение гипертрофического гингивита у подростков // III Российская научно-практическая конференция «Профилактика стоматологических заболеваний и гигиена полости рта». – Казань, 2010. – С. 206-209.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, стоматологик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек, мазкур патологияга эга беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кенг қўламли тадбирлар бажарилмоқда ва «...тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, соғлом ҳаёт тарзи ва касалликларнинг олдини олишни, шу жумладан тиббий стандартизация тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик методларини, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий қилиш йўли билан қўллаб-қувватлаш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, болалар аҳолиси ўртасида стоматологик касалликларнинг асоратларини, жумладан сурункали катарал гингивитни самарали даволаш, олдини олиш ва ўз вақтида ташхислаш илмий-тадқиқот ишланмаларини талаб қиладиган долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда келтирилган таснифга кўра, 80% болалар гингивитдан азият чекади. Болаларда пародонт касалликлари ўртасида сурункали катарал гингивит 35-85% ни ташкил этади. Энг катта солиштирма вазн енгил ва ўрта оғирлик даражасидаги гингивитга тўғри келади. Пародонт тўқималарида ўзгаришлар 7-8 ёш болаларда 50% кузатилади, ёш ўтиши билан гингивитнинг тарқалганлиги жинсий етуклик давригача ортиб боради, 12 ёшдаги 90% болалар гингивитга эга. Олимларнинг фикрича, гингивит кўпинча оғриқсиз кечади ва кўп йиллар давомида даволанмасдан қолиши мумкин. Сурункали гингивит ва пародонтитнинг асосий сабаби – оғиз бўшлиғида ихтисослашмаган микроорганизмлар ва уларнинг турли кўринишлари ҳисобланадиган яллиғланиш инфекция жараёнидир (О.А.Сметанина, Л.Н.Казарина 2015).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Яллиғланиш пародонт ичигача ривожланиши билан гингивит бошқа нозологик шакл – пародонтитга ўтади. Сурункали катарал гингивит нафақат пародонтнинг яллиғланиши, балки, организмнинг тишларда мавжуд бўлган микробларнинг агрессив таъсирга жавоби сифати кўриб чиқилади, бунинг оқибатида эпителиоцитлар ва микромиромирларнинг дисметаболик шикастланишига олиб келувчи ўз характери бўйича ихтисослашмаган факторли салбий таъсир ҳосил бўлади (Ю. А. Ипполитов ва бошқалар, 2014).

Республикамизда болаларга стоматологик ёрдам кўрсатиш бўйича айрим масалалар ҳозирги кунгача ҳам етарли даражада ўрганилмай қолмоқда. Ўзбекистон ва чет элда олимлар ва тадқиқотчилар пародонтнинг яллиғланиш касалликларига катта эътибор қаратади, кўплаб йиллар давомида уларни даволаш, ташхислаш ва олдини олиш усулларини излаш билан шуғулланиб келишади. Сурункали катарал гингивит билан касалланиш кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради (80-98%), клиник кўринишларнинг турли-туманлиги эса диагностикада мураккабликлар, даволаш ва профилактикада қийинчиликлар юзага келади (С.С.Муртазаев, М.К.Кучкарова 2018; Ж.А.Ризаев, О.Е.Бекжанова 2019). Гингивитнинг энг кўп учрайдиган сабаби: болаларда оғиз бўшлиғининг гигиенаси қониқарсиз ҳолатдалиги, ота-оналарнинг болада гигиена тарбиясига эътиборсизлиги, тиш-жағ аномалияларининг мавжудлиги, умумий соматик ҳолатнинг оғирлиги ва маргинал пародонтда яллиғланиш касалликлари ривожланишининг умумий ҳамда маҳаллий омилларини уйғунлиги ҳисобланади.

Шундай қилиб, болаларда цитологик методни қўллаган ҳолда клиникагача СКГ тадқиқоти ва болаларда катарал гингивитни кам инвазив даволаш усуллари Ўзбекистонда ўтказилмаган, шунингдек, соғлом пародонт билан таққослаганда СКГ га эга бўлган болаларнинг милк ҳолатининг тавсифи учун цитологик кўрсаткичларни қўллашнинг солиштирма баҳоси биринчи бор берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011400199 «Тиш, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган. (2014-2019 йй.)

Тадқиқотнинг мақсади: болаларда сурункали катарал гингивитни ташхислаш, олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

цитологик усуллардан фойдаланиб, соғлом ва СКГ га эга бўлган болаларда милк ҳолатини аниқлаш;

болаларда цитологик усуллардан фойдаланиб, СКГ ни клиникагача ташхислаш имкониятини аниқлаш;

СКГ га эга бўлган болаларнинг оғиз бўшлиғида микробиологик ва цитологик кўрсаткичлар ўзгаришини аниқлаш;

болаларда СКГ ни даволаш ва олдини олиш комплекс усуллар алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент давлат стоматология институти болалар стоматология поликлиникасида даволанаётган, гингивитнинг турли шаклига эга, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган Тошкент шаҳар Бектемир тумани 291-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиларидан 125 нафари танланди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида гингивитнинг турли шакллари мавжуд болаларни даволаш жараёнида милк шиллик қаватидан суртма олиб сўлак таркибидан цитологик текширув материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, стоматологик, клиник-функционал, микробиологик, цитологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болалар стоматологик амалиётида илк бор цитологик усул ёрдамида милкдан суртма олиш орқали милк тўқимасидаги ўзгаришлар аниқланган;

олинган цитологик кўрсаткичлар асосида болаларда соғлом парадонт ва сурункали катарал гингивитдаги милк ҳолати қиёсий баҳоланган;

сурункали катарал гингивит билан касалланган болаларда милкнинг цитопатологик ўзгаришларга эга хужайраларнинг камайиши, ПМЯЛ яллиғланиш инфилтрати хужайраларининг, шикастланмаган моноцитларнинг ортишининг фонида тикан қатлам ядрога эга хужайралар ҳамда дағал ядросиз хужайралар миқдори камайиши касаллик патогенезидаги муҳим бўғим эканлиги асосланган;

милк эгатида асосий микробиологик кўрсаткичларнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари болаларнинг оғиз бўшлиғида гигиена ҳолати яхшиланишида милк яллиғланиш интенсивлиги ўзгаришига параллел қайта тикланиши аниқланган;

ташҳислаш, даволаш ва профилактика бўйича ишлаб чиқилган алгоритмнинг қўлланилиши болаларда пародонт тўқимасида юзага келаётган яллиғланиш жараёнини эрта даврларда самарали тўхтатиш имконияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касаллик клиник аломатлари бўлмаганида болаларда цитологик усулдан фойдаланиш пародонт тўқималарида яллиғланиш ўзгаришлари ва мос равишда пародонт тўқималарида яллиғланишнинг асоратлари пайдо бўлиш хавфини аниқлашда ташхисий мезонлардан бири эканлиги асосланган;

индивидуал даволаш тактикасини танлаган ҳолда таклиф этилган комплекс даволаш усулининг кетма-кетликда қўлланилиши, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаши ва касаллик қайталаниш хавфини камайтириши исботланган;

оғиз бўшлиғида гигиена даражасини кўтариш ва юқори даражасини ушлаш учун болаларда пародонтда сурункали яллиғланиш касалликларининг ишлаб чиқилган схема асосидаги профилактикаси бўйича доимий мотивация зарурлиги аниқланган;

цитологик усул ноинвазив бўлганлиги сабабли, ишлаб чиқилган алгоритмларни рационал қўллаш, яхши клиник самарага эришиш, рецидивлар сонини камайтириш, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлиги, олинган статистик материалларнинг тиббий-статистик, клиник, биокимёвий усулларга асослангани, беморларда комплекс даволаш натижаларини баҳолашда янгича ёндашув тизими натижалари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққослангани, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, болаларда пародонт тўқималарида яллиғланиш жараёнлари ривожланишида умумий патогенетик омиллар аниқланганлиги, уларда цитологик ва микробиологик бузилишлар патогенезининг ўзига хос хусусиятлари, ҳамда стоматологик статусда аниқланган бузилишлар турли асоратларнинг олдини олиш йўллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, бемор болаларда аниқланган клиник-цитологик бузилишларни коррекциялаш, шунингдек, пародонтда яллиғланиш касалликларини даволаш ва уларнинг олдини олишнинг такомиллашган комплекс услубни таклиф этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гингивитнинг турли шакллари мавжуд бўлган болаларда касалликни олдини олиш ва даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

сурункали катарал гингивит мавжуд бўлган болаларни даволаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Болаларда сурункали катарал гингивитни комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8н-р/633-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномани жорий қилиш болаларда сурункали катарал гингивитни даволаш сифатини ошириш имконини берган.

сурункали катарал гингивитни ташхислаш учун тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали катарал гингивитни ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8н-р/634-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномани жорий қилиш сурункали

катарал гингивит касаллигини эрта ташхислаш ва клиник кечишини ўзига хослигини инобатга олган ҳолда даволаш тактикаси ишлаб чиқиш ва самарадорлигини ошириш имконини берган.

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Фарғона вилояти Қува ва Бухоро вилояти Ромитон туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда Тошкент давлат стоматология институти клиникаси иш фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 январьдаги 8н-д/14-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида даволаш сифатини ошириш, беморлар реабилитациясини тезлаштириш ва даволанишнинг умумий таннархини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мактаб ёшидаги болаларда пародонт касаллиги масаласининг замонавий ҳолати**» деб номланган бобида болаларда катарал гингивитни диагностика қилиш ва даволашнинг замонавий ҳолати, болаларда гигиена масалалари тўғрисида илмий-амалий маълумотлар келтирилган. Касалликни профилактика ва даволаш усуллари афзаллик томонлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммо ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган мезонлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Мактаб ёшидаги болаларда пародонт касалликлари, жумладан сурункали катарал гингивитни баҳолаш**

материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий материаллари ва усуллари баён этилган.

Тадқиқотнинг белгиланган мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш учун Тошкент давлат стоматология институти (ТДСИ) болалар стоматология поликлиникасида даволанаётган, гингивитнинг турли шаклига эга, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган Тошкент шаҳар Бектемир тумани 291-сонли мактаб ўқувчиларидан 125 нафари танланди. Барча мактаб ёшидаги болаларга сурункали катарал гингивит (СКГ) ташхиси қўйилди. Сурункали катарал гингивит (СКГ) ташхиси қўйилган мактаб ёшидаги болалар танлаб олинди. Назорат гуруҳини СКГ ва оғиз бўшлиғида бошқа яллиғланиш жараёнларига эга бўлмаган, шу ёшдаги 20 нафар болаларни ташкил қилди. Фойдаланилган усулларнинг таърифи келтирилди: лаборатор, клиник тадқиқот усуллари, ҳар бир методнинг батафсил услуби келтирилди. Милкнинг ҳолати Писарев-Шиллер аралашмаси билан бўялгандан сўнг, олдиндан пахта болишчалари билан ҳимоялаб, қуритилиб ҳар бир тишда баҳоланди. Милкнинг яллиғланган соҳалари тўқималарда алмашинувнинг анаэроб жараёнлари устунлик қилиши натижасида тўқималарда ҳосил бўладиган гликоген билан жигар ранга бўялади.

Тадқиқот ўтказилганидан сўнг баҳолаш мезонларини қўллаган ҳолда индексни ҳисоблаймиз. Цитологик тадқиқотлар ўтказиш учун фронтал ва чайнов тишлари соҳасида милк шиллик қаватидан излар олинди (ҳар бир мактаб ёшидаги боладан 6 тадан). Бунинг учун куруқ, ёғсизлантирилган, стерил предмет шишаси ўрганилаётган соҳага бир неча бор қўйилади. Агар шикастланган соҳага кириш жуда қийин бўлса, канцелярия ўчирғичидан фойдаланиш мумкин. Ўчирғич узун ингичка таёқчаларга бўлиб кесилади (ишчи майдони 3x3 мм) стерилланади, қуритилади, ўрганилаётган соҳага қўйилади, кейин эса предмет шишасига ўтказилади. Ҳар бир предмет шишасида 5-10 тадан из қилинади. Препарат 15-20 дақиқа давомида метил спиртда қолдирилади, 1x400 объективдан, шунингдек, 1x100 иммерсион объективдан фойдаланиб микроскопда кўрилади. Оғиз бўшлиғида гигиенани баҳолашнинг энг оддий мезони тиш қараши билан қопланган тиш юзасини рақамларда ифодалаб ҳисоблаш ҳисобланади. Бунинг учун Грин-Вермилон усулидан фойдаланилган.

Олинган натижалар статистик қайта ишлови вариацион статистика усули ёрдамида амалга оширилган. Ўртача қийматлар ишончлилик даражаси Стьюдент мезони бўйича 95% ишончлилик чегарасида баҳоланган ($P < 0,05$).

Диссертациянинг **«Мактаб ёшидаги болаларда сурункали катарал гингивитнинг тарқалганлиги ва клиник кечиши баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида беморларнинг стоматологик ҳолати ўрганиб чиқилган.

Гингивит билан касалланиш 5 ёшдан бошлаб ўсиши, жинсий етилиш даврида энг юқори чўққисига чиқиб, бутун ҳаёти давомида шу баланд нуқтада қолиши кўрсатилган. Бундан ташқари, яллиғланиш жараёнларининг ривожланишига пубертат даврида гормонал дисбаланс таъсир қилади, бунда

милк тўқималари пародонт касалликлари ривожланишининг хавфига кўпроқ мойил ва бактериал қўзғалишларга яллиғланиш билан жавоб беради. Мазкур бўлимда кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларда сурункали гингивитнинг клиник кечувида ўзига хосликларни ўргандик. Кичик ва ўрта мактаб ёшидаги 125 нафар текширилаётган болаларда СКГ у $63,7 \pm 13,2\%$, СГГ $12,6 \pm 1,3\%$, САГ $1,1 \pm 0,5\%$, СЯГ $0,7 \pm 0,03\%$ ҳолатда белгиланди. СКГ бу ёшда иккала гуруҳдаги болаларда 3та клиник шаклда учради: энгил, ўрта оғирлик ва оғир. Пубертат олди даврида бўлган 1-гуруҳда СКГ нинг энгил шакли $0,7 \pm 0,03\%$ ҳолатда белгиланди, бу вақтда пубертат даврда бўлган 2-гуруҳда $50,7 \pm 13,0\%$ болада белгиланди. Ўрта-оғир шакли 1-гуруҳда $13,5 \pm 0,5\%$ ҳолатда, 2-гуруҳда - $16,0 \pm 1,4\%$ ҳолатда аниқланди, оғир кечуви 1-гуруҳда йўқ, бу вақтда 2-гуруҳда $2,3 \pm 0,7$ ни ташкил қилди. 1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, болаларда гингивитнинг сурункали шакли кўпроқ 2-гуруҳда пубертат ёшда кузатилмоқда, бунда асосан СКГ ва учраш частотаси бўйича биринчи ўринни эгалламоқда, СГГ – иккинчи ўринда $19,9\%$, қолган ХАГ ва ХЯГ шакллари эса етарлича кам учрайди, мос равишда: ХАГ $1,1 \pm 0,5\%$; $1,3 \pm 0,7$; ХЯГ жуда кам ва мос равишда $0,7 \pm 0,03\%$; $0,9 \pm 0,04\%$.

1-жадвал.

Мактаб ёшидаги болаларда сурункали гингивитларнинг тарқалганлиги ва клиник кечиши

Ўрганилаётган касаллик	1-гуруҳ, кичик мактаб ёши (пубертат олди давр) (7-10 ёш)				2-гуруҳ, ўрта мактаб ёши (пубертат даври) (11-14 ёш)			
	учраш частотаси, %	Клиник кечиши			учраш частотаси, %	Клиник кечиши		
		енгил.	ўрта оғир	оғир		енгил.	ўрта оғир	оғир
СКГ	$63,7 \pm 13,2$	$55,8 \pm 9,3$	$13,5 \pm 0,5$	-	$69,8 \pm 11,9$	$50,7 \pm 13,0$	$16,8 \pm 1,4$	$2,3 \pm 0,7$
СГГ	$12,6 \pm 1,3$	$6,1 \pm 0,4$	-	-	$19,9 \pm 7,4$	$10,8 \pm 1,2$	$7,8 \pm 0,8$	$1,3 \pm 0,5$
САГ	$1,1 \pm 0,5$	$1,1 \pm 0,5$	-	-	$1,3 \pm 0,7$	$1,3 \pm 0,5$	-	-
СЯГ	$0,7 \pm 0,03$	$0,7 \pm 0,01$	-	-	$0,9 \pm 0,04$	$0,9 \pm 0,02$	-	-
Жами:	78,1	63,7	13,5	-	91,7	63,7	24,6	3,6

Олинган маълумотлар пубертатдан олдин ва пубертат ёшидаги мактаб ёшидаги болаларда пародонт касалликларидан кўп ҳолатда СКГ энгил ва ўрта оғирлик шаклида кечувчи яллиғланиш жараёнлари устунлик қилишидан гувоҳлик бермоқда.

СКГ клиник кечишининг ўзига хосликларини чуқур ўрганиш учун 72 нафар бемор танланди, текширилаётган болалар 2 гуруҳга ажратилди: 1 – 25 нафар болалар кичик ўрта ёшда (7-10 ёш); 2 – 27 нафар болалар катта мактаб ёшида (11-14 ёш). Назорат гуруҳини 20 нафар шу ёшдаги болалар ташкил қилди. 2-жадвалнинг таҳлили иккала гуруҳда ҳам СКГ га эга бўлган болаларда ўрганилаётган клиник тестлар ёмонлашганлигини кўрсатади, лекин сезиларли даражада кўрсаткичлар 2-гуруҳда ифодаланган. Шундай қилиб, пародонт юмшоқ тўқималарида яллиғланиш жараёнларини тавсифловчи РМА индекси 1-гуруҳ билан таққослаганда 2-гуруҳда ишончли даражада юқори ва $23,7 \pm 2,5\%$ га қарши $44,5 \pm 3,1\%$ га тенг (1,9 марта юқори).

2-жадвал

Соғлом ва СКГ га эга бўлган мактаб ёшидаги болаларда пародонт юмшоқ тўқималарининг ҳолати

Тадқиқот гуруҳи	РМА, %	МҚИ	ГИ	Шиллер-Писарев намунаси
Назорат гуруҳи (СКГ сиз мактаб ёшидаги болалар)	$12,0 \pm 1,1$	$1,3 \pm 0,02$	$1,3 \pm 0,2$	-
1-даволаш гуруҳи, енгил шаклдаги СКГ	$23,7 \pm 2,5^*$	$1,8 \pm 0,04^*$	$2,2 \pm 0,3^*$	$1,6 \pm 0,5$
1-даволаш гуруҳи, ўрта-оғир ва оғир шаклдаги СКГ	$44,5 \pm 3,1^*$	$1,9 \pm 0,6^*$	$3,9 \pm 0,5^*$	$2,7 \pm 0,4$

Эслатма: * - $P < 0,05$ ишончли фарқ.

1-гуруҳ мактаб ёшидаги болаларда РЛІ кўрсаткичлари бўйича юмшоқ тиш караши юқори ишонч даражасида 2-гуруҳ болалариникидан 1,6 марта паст, тиш тошларининг мавжудлиги эса деярли 2 марта. Худди шундай фарқ бошқа ўрганилаётган тестлар бўйича ҳам кузатилади. Биринчи гуруҳда кўпинча маҳаллий кечувлар кузатилади, иккинчи гуруҳда эса СКГ нинг тарқоқ шакллари белгиланади.

Стоматологик касалликлар профилактикасида етакчи компонент бўлиб, оғиз бўшлиғи индивидуал гигиенаси ҳисобланади. Тишларнинг стоматологик тозаланиши, юмшоқ тиш карашларининг олиниши эмалнинг физиологик, биокимёвий етилишига олиб келади. Тишларни чўтка билан тозалашда милкларнинг доимий массажи, алмашинув жараёнларининг фаоллашуви, пародонт тўқималарида қон айланишининг яхшиланишига олиб келади.

Шунингдек, пародонт касалликларини профилактикасида самарали усул сифатида оғиз бўшлиғида индивидуал гигиенани сақлашга мактаб ёшидаги болаларда рағбатлантириш ролини ошириш ҳам ўрганилди.

Ҳар бир текширилаётган бола учун оғиз бўшлиғида индивидуал гигиена схемаси тузилди, яллиғланишга қарши пасталардан фойдаланиб, юмшоқ тиш чўткаларида тишларни стандарт тозалаш методлари ўргатилди. Оғиз бўшлиғида сифатли гигиенани таъминлаш учун кўшимча воситалардан фойдаланилди: флюслар, тиш тозалагичлар, тиш эликсирлари, чайгичлар, сақичлар. Аммо, яхши кўникмалар бўлганида турли воситалардан фойдаланиб оғиз бўшлиғини парваришлашнинг маълум усулларида доимий фойдаланиш, ҳам стоматологик касалликларнинг профилактикасида мураккаб муаммони ҳал қилмайди. Шунинг учун индивидуал гигиена оғиз бўшлиғининг малакали гигиенаси билан бирга олиб борилди.

Оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенаси бир неча босқични ўз ичига олди: беморларни стоматологик касалликларнинг олдини олишга рағбатлантириш ва уни оғиз бўшлиғида индивидуал гигиенага ўргатиш; милк усти ва ости тиш карашларини тозалаш; тиш юзасини силлиқлаш; тиш карашни тўпланишига олиб келувчи омилларни бартараф этиш. Тиш устида ажралмаларнинг самарали олиниши мос келувчи гигиена индекслари ёрдамида назорат қилинди.

Диссертациянинг «**Мактаб ёшидаги болаларда сурункали катарал гингивитнинг микробиологик ва цитологик тадқиқот натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида ўтказилган микробиологик ва цитологик тадқиқот натижалари келтирилган. Мактаб ёшидаги болаларнинг оғиз бўшлиғида СКГ касалликларининг ривожланиши билан микрофлора нисбати сезиларли даражада ўзгаради. *Str.salivarius*, *St.epidermidis*, *St.aures* ва *Candida albicans* микроорганизм колонияларининг ўрганилаётган миқдори қўлланилаётган даволаш-профилактика комплексининг таъсири остида турлича ўзгаради. Агар 1- ва 2-даволаш-профилактика комплекси СКГ нинг асосан енгил кечувида кўплаб микроорганизмларга таъсир қилган бўлса, унда 3 тури оғиз бўшлиғида бутун патологик микрофлорага яхши таъсир қилади ва болаларда СКГ нинг оғир шакллари кузатилганида қўлланилиши мумкин (3-жадвал).

Соғлом пародонтга эга назорат гуруҳидаги мактаб ёшидаги болаларда пародонт юмшоқ тўқималари ҳолатининг цитологик ўрганилиши цитограмма изларида қуйидаги қонуниятларни аниқлади: 1 – эпителиал хужайралар устунлиги – 87,25%, уларда 50,12% и тангача кўринишдаги ядросиз дағал эпителиал хужайралар, тиканли қатламнинг текис эпителиал, ядроли хужайралари – 37,13% ни ташкил қилди (4-жадвал).

**Даволашдан сўнг гуруҳлар бўйича тиш-милк эгатчасида ўрганилаётган
бактерия колонияларининг ўртача миқдори**

Бактерияларнинг турлари	Даволаш гуруҳлари					
	1-гуруҳ		2-гуруҳ		3-гуруҳ	
	Енгил шакли	Ўрта-оғир шакли	Енгил шакли	Ўрта-оғир шакли	Енгил шакли	Ўрта-оғир шакли
Даволашгача болаларнинг сони	43	42	17	25	9	16
<i>Str.salivarius</i>	4,15±0,12	3,95±0,13	4,20±0,7	3,91±0,12	4,0±0,11	3,91±0,12
<i>St.epidermis</i>	3,95±0,14	3,20±0,15	4,0±0,03	3,31±0,7	4,0±0,11	3,97±0,13
<i>St. aures</i>	0	1,30±0,05	-	1,28±0,15	-	-
<i>Candida</i>	2,00±0,17	3,10±0,11	2,23±0,07	3,0±0,17	2,7±0,2	2,1±0,03
Даволашдан сўнг болаларнинг сони	-	25	9	16	-	-

Шундай қилиб, пародонти клиник соғлом бўлган мактаб ёшидаги болаларда милк шиллик қавати изларини цитологик ўрганган ҳолда, клиник намоён бўлгунига қадар пародонтнинг яллиғланиш жараёни бошланаётганлигини башоратлаш мумкин.

Диссертациянинг **“Болаларда сурункали катарал гингивитни турли методлар билан даволаш натижаларининг солиштирма тавсифи”** номли бешинчи бобида болаларда турли усуллар билан сурункали катарал гингивитларни даволаш натижаларининг солиштирма тавсифномаси берилди. Бу касалликларни даволаш ва олдини олишнинг барча турлари бўйича асосий сабаб омилни бартараф қилиш ҳамда унинг ҳосил бўлишини назорат қилишга йўналтирилган. Тиш карашини тозалашнинг энг содда ва самарали усули – тиш чўткасидан фойдаланиб механик тозалаш. Электрон тиш чўткасидан фойдаланиш оғиз бўшлиғини кундалик парваришланишини сезиларли даражада осонлаштириши мумкин. Бундан ташқари, бу чўткалар 2 дақиқа вақтни ҳисоблайдиган таймер билан жиҳозланган ва тиш карашини сифатлироқ тозалайди ва тиш ҳамда милк тўқималарига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади, электрон тиш чўткалари ишчи қисми бир вақтнинг ўзида айланиб, тебрансагина оддий чўткалардан самарали ҳисобланади – бу 27% га кўпроқ тиш карашини тозалаш ва 12% милк касалликларини камайтириш имконини беради.

**Мактаб ёшидаги болаларда милк шиллик қавати изларининг
цитологик характеристикаси**

Цитологик сурат Хужайра элементлари	Ўрганилган гуруҳлар		
	Назорат гуруҳи	1-даволаш гуруҳи	2-даволаш гуруҳи
I. Эпителиал	71,1±3,5	62,1±5,6	56,84±4,17
1. Ядрога эга эпиталиал хужайралар	31,15±1,97	29,42±2,7*	27,13±1,8*
2. Ядросиз дағал хужайралар	46,95±1,19	32,71±5,1*	29,71±2,3*
II. Бириктирувчи тўқима	17,06±2,18	23,96±2,3	29,44±3,2
1. ПМЯЛ	13,6±1,24	19,45±1,9*	23,17±2,1*
2. Шикастланмаган моноцитлар	1,61±0,17	2,17±0,5*	3,12±0,79*
3. Очиқ ядроли моноцитлар	1,85±0,21	2,34±0,6*	3,15±1,4*
4. Фибробластсимонлар	0,00±0,00	0,16±0,02	0,21±0,03*
III. Цитопатология аломатлари билан	0,58±0,02	2,22±0,7	2,89±0,41
1. Деформацияланган ядро	0,15±0,01	0,58±0,12	0,64±0,23
2. Вакуолизацияланган цитоплазма	0,17±0,03	0,59±0,17	0,71±0,13
3. Базофил қўшимчалар	0,07±0,01	0,06±0,02	0,05±0,03
4. Контаминацияланган	0,19±0,05	0,57±0,13	0,90±0,15
5. Фагирацияловчи	0,00±0,00	0,41±0,12	0,56±0,11

Эслатма: * - $P < 0,05$ назорат гуруҳидаги катталикларга нисбатан ишончли фарк.

Иккала ДПГ ва СКГга эга болалар хлоргексидин ва триклозанга эга яллиғланишга қарши тиш пасталаридан фойдаланишди. Мануал ва ЭТЧ дан фойдаланиб ўтказилган оғиз бўшлиғида индивидуал гигиена 2 ҳафта давом этди. Текширувнинг бошида болалар биз ишлаб чиққан алгоритм бўйича гигиена дарсларини ўз ичига олган оғиз бўшлиғида профессионал гигиена курсини ўтишди. Мануал ва ЭТЧ дан фойдаланишдан 2 ҳафта ўтиб ўрганилаётган индексларнинг таққосланиши 5-жадвалда акс этирилган.

**Мануал ва ЭТЧ дан фойдаланишдан 2 ҳафта ўтиб ўрганилаётган
индексларнинг таққосланиши**

Ўргани лган индексла р	1-даволаш профилактика гуруҳи				1-даволаш профилактика гуруҳи				Назорат гуруҳи	
	А кичик гуруҳ		В кичик гуруҳ		А кичик гуруҳ		В кичик гуруҳ			
	олди н	кейин	олди н	кейин	олдин	кейин	олди н	кейин	олди н	кейи н
1.РМА, %	21,6± 2,3	14,8±1 ,2*	21,9± 2,1	10,5±1 ,8*	28,9±1 ,2	15,3±1 ,2*	27,5± 1,9	13,9±1 ,2*	12,7± 1,3	12,0± 1,1
2.МҚИ	1,3±0 ,1	-	1,3±0 ,01	-	1,7±0, 3	1,3±0, 02	1,5±0 ,03	1,0±0, 03*	1,1±0 ,4	1,1±0 ,3
3. РLi	2,21± 0,3	1,4±0, 3	2,4±0 ,2	1,2±0, 2*	3,5±0, 3	1,5±0, 02	3,2±0 ,51	1,2±0, 3*	1,5±1 ,0	1,3±0 ,9
4.SiC	1,2±0 ,4	1,1±0, 05	1,3±0 ,3	1,0±0, 02*	1,97±0 ,02	1,6±0, 1	1,72± 0,3	1,2±0, 2*	1,2±0 ,3	1,2±0 ,5
5.ГИ	2,4±0 ,5	1,6±0, 1	2,1±0 ,3	1,0±0, 04*	2,3±0, 05	1,3±0, 05	2,5±0 ,1	1,0±0, 03*	1,8±0 ,4	1,6±0 ,3

Эслатма: * - P<0,05 ишончли фарқ белгиланган.

Динамикада ўтказилган клиник ва лаборатор тадқиқотлар таклиф этилаётган алгоритм бўйича малакали ва гигиена чораларининг ўтказилган комплекси болаларда СКГ нинг олдини олиш ва даволашнинг самарали методи ҳисобланиши тўғрисида хулосага келиш имконини беради.

ХУЛОСАЛАР

«Болаларда сурункали катарал гингивитни диагностикаси, профилактикаси ва даволанишини мукамаллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Болаларда соғлом милкнинг цитологик кўрсаткичлари тикан қатламли ядрога эга текис-эпителиал хужайралар (37,28%) ва дағал хужайралар (47,39%) устунлиги билан характерланади. Базал ҳамда фибробласт хужайралар аниқланмайди.

2. СКГ эга болаларда милкнинг цитологик кўрсаткичлари цитопатология ҳодисаларига эга хужайралар миқдорининг 4,9 марта камайиши, ПМЯЛ яллиғланиш инфилтрати хужайраларининг сони 1,7 марта ортиши, шикастланмаган моноцитлар эса 1,3 марта ортишининг фониде тикан қатлам ядрога эга хужайраларнинг 1,4 марта ва дағал ядросиз хужайралар миқдори 1,1 марта камайиши билан характерланади

3. Болаларда СКГ диагностикаси учун милк цитограммасида қуйидаги миқдор ва сифат ўзгаришларидан мезонлар сифатида фойдаланиш лозим: ПМЯЛ яллиғланиш инфилтрати хужайраларининг миқдорини ортиши, цитопатологияли хужайраларнинг ортиши ва эпителиал хужайраларнинг умумий миқдорининг камайиши

4. Милк ариғида асосий микробиологик кўрсаткичларнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари болаларнинг оғиз бўшлиғида гигиена ҳолати яхшиланишида милк яллиғланиш интенсивлиги (РМА) ўзгаришига параллел тобора қайта тикланиши белгиланган.

5. Цитологик, микробиологик ва клиник тадқиқотлар ишлаб чиқилган алгоритм бўйича даволаш-профилактика чораларининг комплекси ўтказилганида СКГ га эга болаларнинг пародонт тўқималарида яллиғланиш асоратлари даражасининг пасайишини ишончли тасдиқлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12. 2019.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАМИДОВ ИЛХОМ СОДИКЖОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ, ПРОФИЛАКТИКИ И
ЛЕЧЕНИЯ ХРОНИЧЕСКОГО КАТАРАЛЬНОГО ГИНГИВИТА
У ДЕТЕЙ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.2.PhD/Tib1254

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.tsdi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: **Мирсалихова Феруза Лукмановна**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Беленова Ирина Александровна.**
доктор медицинских наук, профессор (Российская Федерация).

Камилов Хайдар Пазылович.
доктор медицинских наук, профессор.

Ведущая организация: **Ташкентский педиатрический медицинский институт.**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, город Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103, тел./факс: Тел.: (+99871)230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99. E-mail: tsdi2016@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за №___). Адрес: 100047, город Ташкент, Яшнабадский район, ул. Махтумкули, 103. тел./факс: (+99871) 230-20-65

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки №___ от _____ 2021 года)

Н.К. Хайдаров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Л.Э. Хасанова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Р.А.Амануллаев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время несмотря на научные исследования, проводимые сегодня в мире по изучаемой учеными проблеме, этиология и патогенез заболеваний пародонта остаются полностью не изученными. В настоящее время значительное увеличение распространенности заболеваний пародонта с 20 до 60% населения требует серьезного внимания ученых-стоматологов, поскольку "...за последние 15 лет учеными мира были проведены обширные исследования по этиопатогенезу, распространенности, интенсивности течения гингивита и были предложены различные методы диагностики, лечения и профилактики этого заболевания"¹. Результаты многих исследователей свидетельствуют о крайне неблагоприятных последствиях хронических инфекционно-воспалительных процессов в мягких тканях пародонта полости рта и для здоровья всего организма, а также о параллельном росте факторов риска, приводящих к переходу катарального гингивита в тяжелому и обратимому катаральному гингивиту – диффузному пародонтиту². Поэтому необходимость разработки новых методов диагностики, профилактики и лечения заболеваний тканей пародонта остается одним из важных проблемных вопросов медицинской практики, вызывающих интерес у врачей и ученых

В мире проводятся научные исследования по ряду приоритетных направлений посредством клинического и морфогенетического обоснования новых принципов профилактики, диагностики и реабилитации хронического катарального гингивита у детей. В связи с этим важно учитывать специфику патогенетики, влияющей на возникновение эндогенных и экзогенных причин, влияющих на катаральный гингивит; разработать оптимальную схему лечения, профилактики и реабилитации хронического катарального гингивита с учетом их специфики в его клинических проявлениях; создать комплекс профилактических мероприятий, направленных на профилактику заболевания, усовершенствовать современные методы лечения хронического катарального гингивита. Эффективным лечением гингивита в детском возрасте является восстановление мягких тканей пародонта и, впоследствии, в более старшем возрасте, является профилактикой для предотвращения развития воспалительно-деструктивного процесса в пародонте, что в свою очередь считается актуальной проблемой современной медицинской науки и практики.

В нашей стране проводится широкомасштабные мероприятия по совершенствованию системы здравоохранения, включая снижение стоматологических заболеваний и их осложнений, а также оказание квалифицированной медицинской помощи пациентам с данной патологией наравне с такими функциями как "...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи, ведение здорового образа жизни и профилактика заболеваний, включая формирование системы медицинской

¹ Габдрахманова М.Г., Цинеккер Д.А. Профилактика и лечение гипертрофического гингивита у подростков // III Российская научно-практическая конференция «Профилактика стоматологических заболеваний и гигиена полости рта». – Казань, 2010. – С. 206-209.

² M. Ijic, L. Kesic, V. Lekovic [et al.] Chronic gingivitis: the prevalence of periodontopathogens and therapy efficiency // Eur. J. Clin. Microbiol. Infect. Dis. — 2012. — Vol. 31, № 8. — P. 1911—1915.

стандартизации, высокотехнологичных методов диагностики и лечения, поддержка посредством внедрения эффективных моделей патронажа и диспансерного ухода...". В связи с этим эффективное лечение, профилактика и своевременная диагностика осложнений стоматологических заболеваний, в том числе хронического катарального гингивита у детского населения, остается одним из актуальных направлений, требующих научно-исследовательской работы.

